

КОРРУПЦИЯГА ОИД ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ СОДИР ЭТИЛИШИ ВА БУНГА ИМКОНИЯТ ЯРАТИБ БЕРАЁТГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Гулмуродов Жавохир Гофур ўғли
ИИВ Академияси 216-гуруҳ курсанти

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашда самарали натижаларга эришиш, унинг миқдорини энг паст даражагача тушириш, салбий оқибатларини камайтириш учун унинг жамиятда бўлишини, ривожланишини тақозо қилувчи, белгилаб берувчи, таъсир қилувчи, сабаблари сифатида ҳаракат қилувчи ҳодисалар, воқеалар ва жараёнларни, улар ўртасидаги сабабий боғланишни ўрганиш керак.

Демак, ижтимоий ҳодиса ҳисобланган коррупцияга оид жиноятчиликни келтириб чиқарадиган, унинг ривожланишини белгилаб берадиган, ўсишига таъсир қиладиган сабаблар ҳам ижтимоийдир. Шунини қайд қилиб ўтиш лозимки яқин вақтларга қадар жиноятчиликнинг сабаблари сифатида асосан «социалистик» жамиятдан аввал пайдо бўлган ва унда вақтинчалик сақланиб келадиган ижтимоий ҳодисалар: «эскилик қолдиқлари», «буржуа идеологияси», «социалистик лагеръ билан бир қаторда капиталистик лагерънинг мавжудлиги» ва ҳ.к. кўрсатилар эди.

Ҳозирги кунга келиб бу назарияларнинг нотўғри эканлиги, жиноятчилик сабабларини тушунтиришда ҳам синфий нуқтаи назарда ёндошилганлигини ҳаёт исботлаб берди. Ҳар қандай жамиятдаги жиноятчиликнинг сабабларини шу жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидан излаш керак эканлиги ўз исботини топмоқда.

Криминология жиноятчиликнинг сабабларини ўрганишда, диалектика назарияларига асосланади. Авваламбор диалектикадаги сабабиятлар назариясига асосланиб, яъни ҳодисалар, воқеалар ва жараёнлар ўртасидаги сабабий боғланишлар ҳақидаги билимларга асосланиб жиноятчиликнинг сабабларини тушунтириб беради.

Диалектикадан бизга маълумки, табиатдаги, коинотдаги ва жамиятдаги барча воқеа, ҳодиса ва жараёнлар бир-бири билан дунёвий боғлиқликдадир. Воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги боғлиқлар турли хил шаклларда бўлиб, бу боғланишлар жуда ҳам мураккабдир, Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш, ўрганиш ва тушунтириб бериш учун бу вазифани бажараётган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар, ўртасидаги боғлиқликларни очиб беришимиз, тушуна билишимиз лозимдир.

Сабабият бу бири (сабаб) иккинчисини (оқибатни) келтириб чиқарадиган ҳодисалар ўртасидаги объектив боғлиқликдир. Шунини таъкидлаш муҳимки бу ерда сабабий боғланиш объектив хусусиятга эга бўлиб у кишилар онгида эмас балки ҳақиқий ҳаётда мавжуддир, кишилар ҳодисаларнинг сабабий боғлиқлигини ўз онларида вужудга келтирмайди, балки уни билади (англайди). Бундан шунини хулоса қилиш мумкинки, жиноятчиликнинг сабаблари ҳам объектив мавжуд, объектив ҳаётнинг элементларидир, яъни улар шу жамият ижтимоий ҳаётида мавжуд бўлган ҳодиса, воқеа ва жараёнлардан иборатдир.

БМТ олдида турган энг глобал муаммолардан бири саналган коррупцияга қарши курашнинг давлатлар ўртасида мувофиқлаштирилган дастурлари ва бошқа ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилган. Хусусан, 2005 йил декабрь ойида кучга кирган «Коррупцияга қарши» конвенция кенг доирада қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унинг лойиҳаси икки йил давомида 130 дан ортиқ давлат иштирокида муҳокама этилган. Унда коррупцияга қарши халқаро ва миллий кураш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари белгиланган.

Бу иллатга қарши курашни жаҳон талаблари асосида шакллантириш мақсадида, 2008 йил 7 июлда мамлакатимиз БМТнинг «Коррупцияга қарши» конвенциясини ратификация қилди ва шу йили «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Коррупцияга қарши» конвенциясига Ўзбекистон Республикаси қўшилиши тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу конвенция талаблари коррупцияга оид миллий қонунчиликни яна бир бор таҳлил этиш, зарур ҳуқуқий меъёрларни қабул қилиш ва шу орқали коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишни назарда тутди.

Айрим тадқиқотчилар коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашда давлат қонунларининг номукамаллигига урғу берадилар. Бироқ ҳеч қачон ва ҳеч қаерда абадий мукамал қонунлар бўлмаслигига, одатда қонунлар реал ҳаётдаги ўзгаришлардан орқада қолганлиги учун ҳам тез-тез ўзгартирилиб, тўлдирилиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Айрим олимлар ва сиёсий арбоблар эса сабаб сифатида давлат амалдорлари иш ҳақининг камлигини эътироф этишади. Тўғри, бу ҳам порахўрликни кучайтириши мумкин, бироқ бирдан-бир сабаб сифатида қайд этиб бўлмайди. Чунки, иш ҳақининг озлиги қўйи табақадаги амалдорларни порахўрликка ундаши мумкин, аммо катта миқдорда пора олиш юқори мансабли амалдорларга хослигини унутмаслик керак.

Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг шакллари: жиноий, фуқаровий-ҳуқуқий, маъмурий, интизомий ҳуқуқбузарликларга бўлинади.

Коррупциянинг куйидаги асосий турларини ажратиш мумкин:

- майший;
- хизмат билан боғлиқ;
- профессионал белгисига кўра.

Майший коррупция – фуқароларнинг қундалиқ ҳаёти ва оилавий аҳволи билан боғлиқ бўлиб, шахсий ҳаётининг эҳтиёжлари – даволаниш, таълим олиш, дам олиш, уй-жойга эга бўлиш, шахсий ҳимоя ва бошқалар билан қондириш жараёнида келиб чиқади.

Хизмат билан боғлиқ коррупция – жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалиқ фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, фирмаларни ташкил этиш ва ривожлантириш эҳтиёжлари, шунингдек уларни давлат билан, ҳамда бир-бирлари билан ўзаро алоқаларини қўйиш жараёнларида келиб чиқади.

Профессионал белгисига кўра – божхона ишлари билан боғлиқ ҳолда турли конкурс, аукцион ва тендерларни ўтказишда таълим тизимида пайдо бўлади.

Демократик жамиятда коррупциялашган уюшган жиноий тузилмаларга қарши кураш фақат жиноий-ҳуқуқий таъкиб орқали эмас, балки уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш, зарарсизлантириш, уларга тўсқинлик қилишга қаратилган комплекс олдини олувчи чора-тадбирларни қўллаш орқали олиб борилади. Бундай вазифани амалга ошириш коррупциялашган уюшган жиноий тузилмалар фаолияти ва улар содир этаётган жиноятлар, ушбу жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитлар ҳақидаги барча масалаларни чуқур илмий таҳлил қилишни, жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги уни озиқлантириб турувчи ходиса, воқеа ва жараёнларни ҳар томонлама, чуқур ва аниқ билишни талаб қилади.

Коррупциялашган уюшган жиноий тузилмалар фаолияти ва улар содир этаётган жиноятларнинг детерминантлари жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан у ёки бу даражада бевосита ёки билвосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам коррупциялашган уюшган жиноий тузилмалар фаолияти ва улар содир этаётган жиноятларнинг детерминантларини шартли равишда куйидаги уч гуруҳга:

- 1) иқтисодий-ижтимоий омиллар;
- 2) маънавий-руҳий омиллар;
- 3) ташкилий-бошқарув ва ҳуқуқий омилларга ажратган ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Криминологик адабиёт, оммавий ахборот воситаларининг материал

ларини таҳлил қилиш ва ўтказилган тадқиқотлар асосида ҳозирги кунда коррупцияни, шунингдек коррупциялашган уюшган жиноий тузилмаларнинг фаолиятини озиқлантирувчи кенг тарқалган омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) *ижтимоий-иқтисодий омиллар*: давлат ҳокимияти органларининг иқтисодий субъектлар фаолиятига ўринсиз аралашининг кенг тарқалганлиги; солиқ ва бож тўловларини белгилаш тизимининг такомиллашмаганлиги; «хуфиёна» иқтисодиётнинг кенгайиб бориши; «баҳо»ларнинг ўсиб бориши ва пулнинг кадрсизланиши; ишсизлик муаммосининг кучайиб бориши; аҳоли ўртасида табақаланишнинг кучайиб бориши; яшаш даражасининг пасайиб кетиши; гиёҳвандликнинг кўпайиб бориши;

2) *маънавий-руҳий омиллар*: жамиятда, айниқса давлат бошқарув тизимида адолатсизликнинг мавжудлиги; тўрачилик ва маҳаллийчиликнинг кучайиб бориши; жамиятда қариндош-уруғчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг салбий томонлари кучайиб бориши; аҳоли айрим қисмининг тафаккурида манқуртлик (тобелик) хислатларининг сақланиб келаётганлиги; аҳоли, айниқса ёшларнинг ўртасида лоқайдлик, бокимандалик, текинхўрлик каби хислатларнинг кенг тарқалиб бориши; аҳолининг, айниқса ёшларнинг муайян қисми ўртасида ғаразгўйлик хислатларининг кучайиб бориши; жамиятда зўрликни, ахлоқсизликни ва жиноий йўллар билан орттирилган бойлик ҳисобига «дабдабали» ҳаёт кечиришни тарғиб-ташвиқ қилувчи манбаларининг кенг кўламда ёйилиши; аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг паст даражадалиги ва ҳ.к.;

3) *ташкилий ва бошқарув соҳаларидаги омиллар*: ҳокимият институтлари фаолиятининг самарасизлиги; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосан давлат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги; уюшган ва коррупциявий жиноятчиликнинг устидан ижтимоий-ҳуқуқий назоратни ташкил қилиш ва амалга оширишни тартибга солувчи ҳуқуқий асосларнинг етарли эмаслиги ҳамда бу соҳада ҳуқуқий тизимнинг такомиллашмаганлиги; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги суиистеъмолликлар; уюшган ва коррупциявий жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ҳал этилмаганлиги ҳамда улар функциялари чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги; давлат хизматини ташкил этиш ва назорат қилиш тизимининг такомиллашмаганлиги ҳамда қонун даражасида ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги; иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини асосланмаган ҳолда чеклашларнинг мавжудлиги; иқтисодий субъектларнинг молиявий ва хўжалик фаолиятига давлатнинг, айниқса

махаллий давлат органларининг аралашувига йўл қўйилаётганлиги; фуқаролик жамиятининг кучсизлиги; демократик анъаналарнинг ривожланмаганлиги; суд тизими фаолиятининг сустлиги.

Демократик қадриятлар қарор топиб бораётган бир вақтда давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши давлат ҳокимиятининг обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига, натижада амалдаги ҳокимиятга нисбатан норозиликка сабаб бўлади. Коррупциянинг маълум бир давлатда ривожланиши эса ўша давлатнинг таназзулига олиб келади.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш коррупцияга қарши курашишнинг асосий чоралари бўлмиш ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштиришни, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа бўлган ижобий муносабатга етишиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлашни ўз ичига олади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик сабаблари келиб чиқиши бўйича асосий ва асосий бўлмаган сабабларга бўлинади;

Асосий сабаблар деб жамият ривожланишининг ҳар қандай босқичида ҳам жиноятчиликнинг объектив қонуний ҳодиса сифатида мавжуд бўлишини тақозо қилувчи, белгилаб берувчи ҳодиса, воқеа ва жараёнлар йиғиндисига айтамыз.

Бундай сабабларга мисол қилиб ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги, жамоат манфаати билан шахсий манфаат ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги ва шунга ўхшаш жамият ривожланишининг объектив қонунларига асосан ҳар қандай жамиятда, унинг барча босқичларида мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни салбий томонларини келтиришимиз мумкин.

Асосий бўлмаган сабаблар деб, жамият ривожланишининг маълум бир босқичида пайдо бўлган, вақтинчалик ва ўткинчилик хусусиятига эга бўлган ҳамда жиноятчиликнинг бу босқичда, шу даражада бўлишини тақозо қилувчи, белгилаб берувчи воқеа, ҳодиса ва жараёнлар йиғиндисига айтамыз. Асосий бўлмаган сабабларга мисол қилиб ҳозирги вақтда ташкилий-бошқарув соҳасидаги йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни келтиришимиз мумкин.

Шуни қайд этишимиз лозимки, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликнинг асосий сабаблари унинг асосий бўлмаган сабабларини келтириб чиқарса,

асосий бўлмаган сабаблар эса ўз вақтида асосий бўлган сабабларни кучайтиради.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитларини мазмуни бўйича таснифлаш ҳам муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Мазмуни бўйича иқтисодий (ойлик маошининг етарли эмаслиги), сиёсий (амалдаги конституцион тузумга душманлик муносабати, ҳокимиятга конституцияга хилоф йўллар билан талаш), ғоявий (оммавий ахборот воситаларида, ғоявий-тарбиявий ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар), ижтимоий-руҳий (айрим жамият аъзоларида шахсиятпарастлик, ғаразгўйлик, манфаатпарастлик қарашларининг мавжудлиги), ташкилий-бошқарув (иқтисодни бошқаришда, хўжалик юритишда йўл қўйилаётган хатолар, назоратни амалга оширувчи органлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятидаги хато ва камчиликлар, бошқарув идоралари ходимларининг кишилар билан бўлган расмий буйруқбозлик муносабати), ҳуқуқий (қонунчиликдаги мавжуд камчиликлар, айрим турдаги муносабатларни тартибга соладиган қонунларнинг йўқлиги) сабаб ва шароитларига ажратишимиз мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг барча сабаб ва шароитлари кишилар психологиясида ва онгида кўриниб, улар жамиятга зид йўналишни, қарашларни, ҳаракатларни шакллантиради ёки уларни кучайтиради, жонлантиради. Шунинг учун ҳам коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик сабаб ва шароитлари ҳамма вақт ижтимоий психологик хусусиятга эга. Ижтимоий-психологик сабаб ва шароитлар ижтимоий шароитлардан келиб чиққан бўлиб маълум бир даражада мустақилдир. Жамиятда жиноятчиликнинг ижтимоий-психологик сабаб ва шароитларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида мавжуд бўлган асосан салбий ҳодисалар, воқеалар, жараёнлар келтириб чиқаради. Ҳар қандай жамиятда, унинг ривожланишининг барча босқичларида ҳам ижтимоий-психологик сабаб ва шароитларни келтириб чиқарадиган объектив ва субъектив сабаб ва шароитлар мавжуд бўлади, лекин улар турли даражада бўлади. Ҳозирги вақтда содир қилинаётган жиноятларнинг асосида ётган жамиятга зид қарашлар, одатлар, ниятлар, кўникмалар асосан 70-80 йилларда жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида оммавий равишда кенг тарқалган салбий ҳодиса, воқеа ва жараёнлар таъсирида яна ҳам кучайди.

Криминологияда ҳар қандай муайян жиноят содир қилинишининг асосида ётган ижтимоий-психологик ҳодисалар, яъни жамиятга зид қарашлар, одатлар, кўникмалар, ниятлар субъектив сабаб ва шароитлар деб аталади. Шахсдан ташқарида бўлган ва унинг психологиясига таъсир

қилиб унда жамиятга зид йўналишни, қарашларни, одатларни шакллантирадиган, уни мустаҳкамлайдиган ҳодисалар, воқеалар, жараёнлар эса объектив сабаб ва шароитлар деб аталади. Фалсафада эса жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини объектив ва субъектив сабаб ва шароитларга бўлиш бошқачароқ талқин қилинади. Бунда объектив сабаб ва шароитлар деб одамлар иродаси ва онги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган сабаб ва шароитлар ҳисобланади. Субъектив сабаб ва шароитлар деб эса одамлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда, яъни улар фаолиятида йўл қўйилган хатолар, камчиликлар натижасида вужудга келган сабаб ва шароитлар тушунилади. Жамият ривожланишининг барча босқичларида объектив ва субъектив сабаб ва шароитлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Объектив сабаб ва шароитларнинг кучайиб бориши ўз вақтида янги-янги субъектив сабаб ва шароитларни келтириб чиқаради ёки субъектив сабаб ва шароитларнинг кучайиб бориши объектив сабаб ва шароитларнинг яна ҳам кучайишига олиб келади. Объектив сабаб, шароитларни камайтириш ўз вақтида субъектив сабаб ва шароитларни бартараф қилиш учун имконият туғдиради ёки субъектив сабаб ва шароитларни камайтириш объектив сабаб ва шароитларни бартараф қилишга, уларнинг таъсирини кучсизлантиришга имконият яратиб беради.

Бундан ташқари жиноятчилик сабаб ва шароитлари вақт ва тарқалиш майдони нуқтаи назардан давлатнинг барча минтақасида, алоҳида олинган минтақада, қишлоқ ва шаҳар жойларда, доимий ва вақтинча ҳаракат қилувчи сабаб ва шароитларга бўлинади. Жиноятчилик сабаб ва шароитларини бундай таснифлаш керакли профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни қаерларда амалга ошириш кераклигини аниқлашга ёрдам беради.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги энг муҳим, самарали ва инсонпарвар йўналишлардан бири бўлиб жиноятчиликнинг олдини олиш ҳисобланади. Шундай экан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш авваламбор унинг сабаб ва шароитларини тартибга солиш, амалиётда уларни тўлиқ аниқлаш ва бартараф қилиш, кучсизлантириш учун керакли бўлган мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган табақалаштиришни ва таснифлашни талаб қилади. Криминологияда жиноятчилик сабаб ва шароитларини табақалаштириш ва таснифлаш уларни келиб чиқиши, ҳаракат қилиш даражаси, мазмуни, ҳаракат қилиш йўналиши, вақт ва минтақавий тарқалиши ва бошқа турли хил асослар бўйича амалга оширилади.

Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш уларга даражалар бўйича ёндашишни талаб қилади. Криминология диалектиканинг

умумийлик, махсуслик ва алоҳидалик категорияларига асосланиб сабаб ва шароитларни умумижтимоий, гуруҳий ва шахсий даражадаги сабаб ва шароитларга бўлиб ўрганади, 1. Умумижтимоий даражадаги сабаб ва шароитлар – бу жамиятда жиноятчиликнинг ижтимоий ҳуқуқий ҳодиса сифатида объектив қонуний равишда бўлишини тақозо қиладиган, (белгилаб берадиган) сабаб ва шароитлардир. Жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш умумий назарий аҳамиятга эга ва жиноятчиликка қарши кураш умумий муаммоларини ҳал қилишнинг илмий асоси ҳисобланиб жиноятчилик сабаб ва шароитларини кейинги даражаларда таҳлил қилиш учун дастлабки манба ҳисобланади. 2. Гуруҳий даражадаги сабаб ва шароитлар алоҳида турдаги жиноятчиликнинг (вояга етмаганлар, рецидив, ғаразгўйлик, зўравонлик, эҳтиётсизлик ва ҳ. к.), алоҳида турдаги жиноятларнинг (қотиллик, ўғирлик, босқинчилик ва ҳ. к.) сабаб ва шароитлари бўлиб, алоҳида турдаги жиноятчиликнинг ёки жиноятларнинг жамиятда бўлишини, содир қилинишини тақозо қилади. 3. Шахсий даражадаги сабаб ва шароитлар эса муайян шахсни жиноят содир қилишга олиб келган, асосан шахсий, субъектив хусусиятга эга бўлган сабаб ва муайян ҳаётий, тасодифий шароитлардир. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, барча даражадаги сабаб ва шароитлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, умумижтимоий ва гуруҳий даражадаги сабаб ва шароитлар шахсий даражадаги сабаб ва шароитларда кўринади, шахсий даражадаги кўп учрайдиган типик сабаб ва шароитлар эса умумижтимоий даражадаги сабаб ва шароитларни ташкил қилади.

Умумижтимоий даражадаги сабаб ва шароитларни ўрганиш илмий билиш аҳамиятига эга ва умумдавлат миқёсида ёки унинг маълум бир минтақаларида жиноятчиликнинг олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш ва ташкил қилиш учун зарурдир. Гуруҳий даражада жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш эса умумдавлат миқёсида ёки унинг маълум бир минтақаларида алоҳида турдаги жиноятчиликнинг ёки жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг миқдорини камайтириш мақсадида профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун зарурдир. Шахсий даражада сабаб ва шароитларни аниқлаш ва ўрганиш амалий аҳамиятга эга бўлиб ҳар бир жиноят содир қилган шахсга жазо тайинлашда яқка тартибда ёндашиш учун ва уни жиноят содир қилишига кўмаклашган шароитларни бартараф этиш учун зарурдир. Ҳар бир муайян жиноятнинг сабаб ва шароитлари ўзига хос хусусиятга эга ва бир-биридан фарқ қилади. Лекин ҳар қандай муайян ҳодисада ҳам ҳамма вақт қандайдир умумийлик акс этади. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти муайян жиноий иш жилдлари

мажмуини ва жинойтга оид статистика маълумотларни таҳлил қилиш асосида олинган умумлаштирилган маълумотларга асосланган.